

# INTERNATIONAL CONFERENCE PEDAGOGICAL REFORMS AND THEIR SOLUTIONS

## VOLUME 2, ISSUE 1, 2024

### РЕСПУБЛИКАДА МАДАНИЙ ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АХАМИЯТИ

*Утепбергенова Венера Махсетовна*

«Ер кадастри ва ердан фойдаланиши» кафедраси ассистенти, «Ўздаверлойиҳа» илмий лойиҳалаш институтининг мустақил изланувчиси.

**Аннотация:** Республикаизда маданий яйловлардан фойдаланиш даражаси бугинги куннинг талабалари жавоб бермайди. Бундан ташқари, турли салбий таъсиirlар натижасида сугориладиган ерларнинг ҳолати бузилиб, улар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмоқда. Натижада маданий яйловлар кўлами камайиб бормоқда.

**Калит сўзлар:** Қорақалпоғистон Республикаси, маданий яйловлар, ем-хашак, алмашлаб фойдаланиш, алмашлаб экиш, навлар, яйлов дегредацияси.

**Кириш:** Қишлоқ хўжалигини юритиш, умуман аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, чорвачиликни ем-хашак, саноатни эса хом-ашё билан таъминлаш ердан фойдаланиш билан ўзвий боғлиқдир. Бу тармоқ учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан, айниқса маданий яйловлардан мумкин қадар оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи жуда муҳимdir.

Бизга маълумки мамлакатимизнинг маданий яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини доимий ошириб бориш, уларни турли салбий таъсиirlар натижасида камайишига йўл қўймаслик йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо, қайд қилиш зарурки, яйлов ерларидан айниқса, сугориладиган маданий яйлов ерларидан фойдаланиш даражаси мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари, турли салбий таъсиirlар натижасида сугориладиган ерларнинг ҳолати бузилиб, улар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмоқда. Натижада, бундай ерлар миқдори камайиб кетмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, бу – қонунчилик базасини етарлича эмаслигидир. Бироқ шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ерни табиий ресурс сифатида оқилона фойдаланиш ва муҳофазалаш мамлакатимизнинг асосий қонуни ҳисобланган – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган [1].

Шунингдек, мамлакатимиз чорвачилик тармоғини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-ноябрьдаги Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4512-сонли Республиканинг Бўзатов, Мўйноқ, Тахтакўпир ва қўнғирот туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш, ушбу ҳудудларда замонавий чорвачилик комплексларини ишга тушириш, яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолининг чорвачилик маҳсулотлари, айниқса гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш даражасини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

**Тадқиқот обекти:** Қорақалпоғистон Республикасининг маданий яйловзорлари ҳисобланади. Ҳозирги даврда Орол денгизи ҳавzasида вужудга келган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўта муҳим муаммолардан бири-бу дарё сувларининг сугориладиган дехқончилик ҳудудларида шаклланадиган ва ҳар хил даражада шўрланган сувлар, қишлоқ хўжалиги экинлари, чорвачилик маҳсулотлари этиштиришда қулланиладиган захарли (гербицид, пестицид, доривор моддалар в.х.к) бирикмалар билан йўл қувилиши мумкин бўлган даражадан ортиқ туйинган коллектор-зовур, айрим саноат корхоналарида шаклланадиган ташландиқ сувлар билан ифлосланиши ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби мавжуд ер-сув захираларидан экстенсив фойдаланиш тамойили хукм сурган шуролар даврида, мазкур сўвлар дарёлар оқими хавзасидаги захираларнинг таркибий қисми тарзида қайд килинган.

Сўнгги йилларда минтақа сугориладиган дехқончилик тарихида қайд қилинмаган ўта мураккаб ва номутоносиб вазият вужудга келди. Асосий дарёлар оқими ва умумий сув

# INTERNATIONAL CONFERENCE PEDAGOGICAL REFORMS AND THEIR SOLUTIONS

## VOLUME 2, ISSUE 1, 2024

захиралари йилдан-йилга камаймокда, сифати эса ташландик сувлар ҳисобига ёмонлашмокда. Жумладан XX-асрнинг 60 йиллари охирида дарё сувларида (Амударё, Сирдарё) эриган моддалар микдори 0,5-1,0 г/л дан ошмас эди. Хозирги даврда бу курсаткич дарёнинг юкори кисмида 0,3-0,5г/л ни, куйи кисмида эса 1,7-2,0 г/л ни ташкил этмокда. Ташландик сувларнинг хавза экологиясига салбий таъсири аста-секин кучайиб бормокда [1].

Сугориладиган маданий яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қатор ташкилий механизмларни ҳам ўз вақтида жорий этилишини талаб қиласди. Бундай механизмлардан бири, бу алмашлаб экиш, яъни ўсимликлардан юқори, сифатли ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган режага мувофиқ экинларнинг навбатлаб экилиши тушинилади [2].

Алмашлаб экишни тўғри қўллаш тупроқнинг сув, табиий ва кимёвий хоссаларини яхшилайди, ўсимлик тупроқдаги намлиқдан, озиқ моддаларидан унумли фойдаланилади, бегона ўтлар, зааркунанда ва касалликлар камаяди. Турли экинларни алмашлаб экиш натижасида тупроқда илдиз қолдиқлари ва ўсимликлар ўзлаштириа оладиган азот моддалари ортиб, тупроқ унумдорлиги ошади.

Хозирги кунда аксарият ҳолларда чорва ҳайвонлари мунтазам равишда бир яйлов ҳудудида боқилмоқда, айниқса, қудуқлар яқинида ва маҳаллий аҳоли яшаш жойлари атрофида. Бу эса яйловлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш ҳолатини юзага келтирмоқда. Бу эса яйловлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш, ўсимлик копламиининг батамом бузилишига олиб келмоқда.

Сугориладиган маданий яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қатор ташкилий механизмларни ҳам ўз вақтида жорий этилишини талаб қиласди. Бундай механизмлардан бири, бу алмашлаб экиш, яъни ўсимликлардан юқори, сифатли ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган режага мувофиқ экинларнинг навбатлаб экилиши тушинилади. [3].

### Хуносা.

1. Қорақалпоғистон Республикасидаги чорвачилик моллари сони ва табий яйловзорларнинг ҳолатини ҳисобга олиб кўрганимизда чорва моллари учун йил давомида зарур ём ҳашакни тўлиқ таъминлай олмагани учун маданий яйловзорлар майдонларини кўпайтиришимиз зарур.
2. Маданий яйловзорлар учун серҳосил ва кўп йиллик ём ҳашак экинлари бўлган жўхорининг кўп йиллик «Азамат» нави, райграс ва бошқа да юқори ҳосил берадиган турларини танлаш мақсадга мувофиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Реимов Н.Б., Утепбергенова В.М. Қорақалпоғистонда маданий яйловзорларни купайтиришнинг муҳим масалалари. // Тавсиянома. «FARMA PRINT NUKUS» ЖШЖ типографиясида босилди. 2022 жыл июль. 18 б.
2. Реимов Н.Б., Утепбергенова В.М. Орол бўйида маданий яйловзорларни ривожлантиришнинг аҳамияти. // Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси. 2022-6-1. Июнь сони. ОАК руйхатидаги журнал). 179-181 бетлар.
3. Реимов Н.Б., Утепбергенова В.М. Яйловларни яхшилашда геоахборот тадбирлардан фойдаланиш. // Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида 2021 йил 17 сентябрда ўтказилган профессор «У.Е.Исмаиловнинг 70 йиллиги мунасибети байрамига боғишлиланган конференция материаллары. 2 бет.